Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 205 (5496).
8 СЕНТЯБРЬ 1984 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

6 сентябрь куни КПСС Марказий Комитетида министрликлар ва идоралар раҳбарларининг кенгаши бўлди. Кенгашда қурилиш материал техника базасини мустаҳкамлаш, уни янада индустрлаштириш, 1984 йилги ишга туширилади ган объектларни қуриб битказилишини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг таклифларини амалга ошириш вазифалари муҳокама қилинди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих нутқ сўзлади.

Ўртоқ К. У. Черненко ўртага қўйган қоидалар ва хулосалар капитал қурилишни тубдан яхшилаш учун таг-заминли аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди. Мазкур тармоқдаги ишларнинг аҳволи, гарчи бу йил бирмунча яхшиланган бўлса-да, лекин илгаригидек жиддий ташвиш туғдиради. Капитал маблағларни ўзлаштириш ва асосий фондларни ишга тушириш юзасидан белгиланган планлар бажарилмаяпти.

Янги техника ва технологияни, самарали конструкциялар ва материаллар, меҳнатни механизациялаш воситаларини кенг жорий этиш, бошқариш методларини такомиллаштириш асосида қурилишнинг техникавий ва ташкилий даражасини анча ошириш юзасидан министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари олдига вазифалар қўйилди.

Қурилиш ишларини ташкил этиш, қурилиш индустрияси мавжуд қувватларидан, моддий ресурслар, машина ва механизмлардан фойдаланишда камчиликларни қатъиян бартараф этиш зарурлигига эътибор қаратилди. Бу — қурилиш самарадорлигини ошириш ва суръатларини жадаллаштиришнинг катта резервидир.

Кенгашда шу йилнинг қолган даврида тиғиз қурилиш программасини бажариш кераклиги уқтириб ўтилди. Бу эса 1984 йилги ишга туширилади ган қурилишларда куч ва воситаларни энг кўп даражада жамлашни, бевосита меҳнат коллективларида ташкилотчилик ишини кучайтиришни, ишлаб чиқариш қувватлари, уй-жойлар ва социал-маданий объектларни ишга тушириш соҳасида белгиланган топшириқлар бажарилиши учун раҳбар кадрлар масъулиятини оширишни талаб қилади.

Ижрочилик интизомини тинмай мустаҳкамлаш, ишнинг бир маромда боришини таъминлаш, пудратчи ва буюртмачи министрликлар ҳамда қурилиш барча қатнашчилари аниқ-пухта баҳамжиҳат ишлашлари зарур. Қурилишларга технология асбоб-ускуналарини ўз вақтида етказиб бериш, материал-техника таъминоти органлари ва машинасозлик министрликларининг муҳим вазифасидир.

Кенгашда министрликлар ва идоралар фаолиятини яхшилашга, шу йилги капитал қурилиш планини бажаришда уларнинг ташкилотчилик ролини оширишга ва 1985 йилда бир маромда барқарор ишлаш учун зарур шарт-шароитни вужудга келтиришга оид амалий тадбирлар белгиланди.

ЗАФАРЛАРИМИЗ — ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 1-уйсозлик комбинатининг 2-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Александр Закусилов бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси коллективи шаҳардаги илғор меҳнат коллективларининг «Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига — 40 зарбдор меҳнат ҳафтаси» шиори остидаги ташаббусига биринчилар қатори қўшилди. Зарбдор вахталарда фаол иштирок этаётган бригада аъзоматлари ўз зиммаларига меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархни арзонлаштириш бўйича мажбурият қабул қилдилар. Улар бир кун ўз иш жойларида меҳнат қилишиб, иш ҳақини Тинчлик фондига ўтказишга бел боғладилар.

Злобин методи асосида ишлаётган бригада қувончли ютуқларни қўлга киритиб келмоқда.

БУГУН

уйсозлар Юнусобод массивининг СБ—2 кварталида навбатдаги беш қаватли 90 квартирали уй қурилишида ишлаб чиқариш графигидан ярим ой илгарилаб кетдилар.

М. ФЕЛЬДМАН.

● ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

Суръатни сусайтирмай

Шу кунларда тошкентлик бунёдкорлар Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини меҳнатда муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар. Шаҳарнинг йирик турар жой массивларида янгидан-янги замонавий уйлар қад кўтармоқда. Кейинги йилларда Юнусобод массиви ана шундай уйларга тўлиб бормоқда. Бу ерда тошкентлик уйсозлар энг замонавий типдаги уйларни қуришяпти.

Яқинда 4-уйсозлик комбинатининг 35-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган А. Муҳиддинова бошлиқ сувоқчилар бригадаси яна бир тўққиз қаватли 45 квартирали уйни қўлдан чиқарди. Ҳозирда бу коммунистик меҳнат зарбдори бўлмиш коллектив массивининг «СВ-5» кварталида қад кўтараётган 126 квартирали уйда пардоз ишларини жадал суръатда олиб боряпти. Бригада юбилейолди вахтасида иш суръатини бир зум ҳам сусайтирмаяпти. Кузувчилар республика юбилейига қадар йиллик планни бажариш учун курашмоқдалар. Кунлик смена топшириқларини 150 — 180 процент адо этишяпти.

СУРАТДА: бригада аъзолари: биринчи қаторда (чапдан — ўнгга) — Г. Усова, В. Барсукова, А. Муҳитдинова, Л. Исмакаева, иккинчи қаторда — С. Муратов ва Н. Аъзамовлар тасвирланган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

7 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг умумий йиғилиши бўлди.

Йиғилишда академиянинг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолари сайланди.

А. Д. Глушченко, Ж. А. Мусаев, Г. А. Пугаченкова, Т. Р. Рашидов, М. С. Саидов, Ҳ. Т. Турсунов, Ҳ. Ҳ. Усмонхўжаев, П. Қ. Ҳабибуллаев Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари этиб сайландилар.

Ж. А. Абдуллаев, А. А. Абдураззоқов, М. Ф. Обидова, Ф. Б. Абутолиев, Ш. А. Алимов, А. А. Асқаров, Б. А. Бондаренко, О. М. Борисов, Ш. В. Воҳидов, Н. А. Власова, А. Ғ. Ғаниев, А. И. Глушенкова, А. П. Иброҳимов, А. Қ. Қосимов, Г. П. Матвиевская, Р. Ғ. Маҳкамов, Р. А. Мўминов, Н. А. Парпиев, Ў. Ҳ. Расулев, В. Р. Раҳимов, З. С. Салимов, Ю. Т. Тошўлатов, Ж. Т. Туленов, В. И. Уломов, Ж. Х. Ҳожиев, А. Х. Ҳикматов, Т. С. Йўлдошбоев академия мухбир аъзолари составига қўшилдилар.

П. Қ. Ҳабибуллаев Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, К. И. Лапкин, М. С. Салоҳиддинов, Э. Ю. Юсупов академиянинг вице-президентлари, Т. Р. Рашидов академия президиумининг бош илмий секретари этиб сайландилар.

А. Д. Глушченко, И. И. Искандаров, С. К. Камолов, Ж. А. Мусаев, М. Н. Набиев, М. К. Нурмуҳамедов, В. П. Шчеглов академия президиумининг аъзолари бўлишди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТЛИК СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНЛАРИ



Ўзбекистонлик Сибирь фарзанди

Қаҳрамонларнинг номи абадий бўлади. Улар кўрсатган жасорат тилдан-тилга, авлоддан-авлодга ўтиб, қаҳрамонлик, Ватанга содиқ хизмат қилиш, уни ҳар дақиқада ҳимоя қилишга ҳозир туриш намунаси бўлиб қоладиАна шундай қаҳрамонлардан бири тошкентлик Степан Петрович Ильиндир.

Узоқ Сибирда туғилган Степан Петрович Ильин 1929 йилда Ўрта Осиёга келган. Меҳнат таржимани ҳолини Қирғизистонда ирригация системаларини тартибга келтирувчи ўнбоши сифатида бошлаган. Кейин Ўзбекистонга кўчиб келган. Тошкент областидаги Далварзин гидро системасида участка гидротехниги бўлиб ишлади. Ишдан ажралмаган ҳолда гидромелиорация техникумини тамомлади.



Уруш бошланганида Степан Ильин 26 ёшда эди. Уни 1941 йилнинг декабрь ойида армия сафига хизматга чақиришди. Уйида ёш рафиқаси Елена тўрт ёшли ўғли Гена билан қолди. Степан Петрович олчоқ душманнинг додини бериб, уйга сиҳат-саломат, соғ-омон қайтишига тўла ишонар эди. У ўша пайтда даҳшатли жангга отланган кишилар сингари уруш ниҳоятда чўзилиб кетишини, 20 миллион совет кишисининг ҳаётини олиб кетишини ҳаёлига ҳам келтирмаган эди.

Жангчилар фашистларнинг кетма-кет ҳужумларини қайтариб туришарди. Ана шундай пайтда бир полк командири сапёр Степан Ильинни чақириб деди:

— Зудлик билан бетараф зонага ўтиш ва учта дзот қуриш керак. Улар ниҳоятда мустаҳкам, айни пайтда душманнинг кўзига ташланмайдиган бўлиши керак. Тушундингизми?

— Ҳаммаси тушунарли!

Ярим тунда старшина С. Ильин бошчилигидаги сапёрлар группаси ўрмондан ўтиб, бетараф зонага етиб борди. Дарҳол истеҳком қуришни бошлаб юборди. Душман кучлари яқин масофада жойлашганлиги учун ишлаш ниҳоятда қийин эди. Аммо жангчилар дзотлар ўз вақтида ва мустаҳкам қурилса ўнлаб, ҳатто юзлаб жангчиларимизни и н г ҳаётни сақлаб қолинишига сабаб бўлишини яхши тушунишарди. Шу боисдан ҳам ҳоришни билмай, кўз юммай меҳнат қилишди.

(Давоми 2-бетда).

Тошкент—жаҳонга

Дўст Болгария учун

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи беш йилликнинг учинчи йили топшириғини муддатидан аввал бажариб, буюртмачиларга планга қўшимча ярим миллион сўмлик электр аппаратларини етказиб берганди. Коллектив республика юбилейи йилида ҳам жадал суръатлар билан ишлаяпти.

Урушдан кейинги йилларда мўъжазгина корхона асосида ташкил этилган бу бирлашманинг буюмлари эндиликда мамлакатимизда ва чет элларда кенг машҳур. Ҳозир бирлашма ўз маҳсулотларини 50 чет эл мамлакатига етказиб беряпти. Булар орасида дўст Болгария Халқ Республикаси ҳам бор. Куни-кеча корхонадан бу мамлакатга пакетли включателларнинг катта туркуми юборилди.

Бирлашмада юзлаб илғор ишчилар республика юбилейини муносиб кутиб олиш мақсадида ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатяптилар. Булар орасида электр монтажчи Л. Валетова, регулировкачи Т. Ешченко, слесарь-регулировкачи Е. Кальяминов ва бошқалар бор. Л. Валетова ўтган йилнинг июль ойида шахсий ўн биринчи беш йиллик топшириғини бажарганлиги ҳақида рапорт берганди. Т. Ешченко ва Е. Кальяминовнинг бу маррани эгаллаганига саккиз ойдан ошди.

Корхона коллективи бу йил чет элдаги буюртмачиларга 4 миллион сўмликка яқин маҳсулот юборади.

ТАРТИБ ПОСБОНЛИГИДА

Тошкент шаҳар ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари координацион кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин олиб борди. Унда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари М. У. Ниёзовнинг жамоат тартибини муҳофаза этиш бўйича шаҳар халқ қўғилли дружиналарининг 1984 йил саккиз ойлик иш якунлари тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Сергели район партия комитетининг иккинчи секретари Х. Р. Абдуллаева жамоат тартибини муҳофаза этиш бўйича кўнгилли халқ дружиналарининг фаолияти ҳақида ахборот берди. Шунингдек, Тошкент шаҳар прокурори Ф. Қ. Фозилов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Э. А. Абдуллаевларнинг ахборотлари ҳам тингланди.

● *Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида*

САККИЗ ОЙЛИККА ЯКУН ЧИҚАРИЛДИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда шаҳар хўжалигини социал-иқтисодий ривожлантириш 1984 йил январь-август ойлари плани ва социалистик мажбуриятларининг бажарилиш якунларига доир масала кўриб чиқилди.

Мажлисда корхоналар ва шаҳар хўжалиги ташкилотлари коллективлари КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини ҳаётга муваффақиятли жорий этмоқдалар, деб таъкидланди.

Шу билан бирга бир қатор корхоналар ва шаҳар хўжалиги ташкилотлари партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини ҳаётга тўла жорий этмаяптилар. Районларнинг ободончилиги, уй-жой, коммунал хўжалигини ремонт қилиш ва тартибга келтиришдаги нуқсонлар кўпгина шикоятларга сабаб бўлмоқда. Бу масала 1984 — 1985 йилларнинг кузги-қишки мавсумига тайёргарликда айниқса актуаллик касб этади.

Мажлисда бошқа бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов олиб борди.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИРДАМЛИГИ

Ўзбекистон матбуоти, телевидениеси ва радиоси ходимлари Журналистларнинг халқаро бирдамлик кунини нишонладилар. Редакция коллективларида бўлиб ўтган йиғилишларнинг қатнашчилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажаришга журналистлар қўшаётган ҳисса тўғрисида, Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун курашда уларнинг иштироки ҳақида гапирдилар.

7 сентябрь куни Тошкентда «Биз — интернационалистлармиз» мавзуида бўлиб ўтган кеча ана шу шонли санага бағишланди.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

Партия ва ҳукуматимизнинг олий мақсади — халқ фаровонлигини оширишдир. 1 сентябрдан бошлаб бир қатор товарларнинг нархи туширилганлиги бунинг яна бир ёрқин далилидир. Шу кунларда Бош универсал магазинида арзонлаштирилган нархлардаги мавсумий товарлар савдоси авжида. Ҳар куни бу ердан минглаб тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари зарур буюмларни ҳарид қиладилар. Илгари ГУМга ҳар куни ўртача 30.000 харидор ташриф буюрган бўлса, ҳозир уларнинг сони 10.000 кишига кўпайди. Шу ойнинг дастлабки тўрт куни мобайнида август ойининг шу даврига нисбатан 7.350 сўмлик газламалар, 3.500 сўмлик пайпоқлар, 18.000 сўмлик гиламлар, 3.500 сўмлик жун рўмолар кўп сотилди. Фақат 1 — 4 сентябрь кунлари арзонлашган нархларда 500 сўмликдан зиёд товарлар реализация қилинди.

Т. КАРИМОВ.

* * *

СУРАТЛАРДА: арзонлаштирилган товарлар билан савдо қилиш бўлимларида.

Автор фотолари.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР СЕМИНАРИ

БУГУН

Паркент районидаги «Кумушкон» дам олиш уйида **Тошкент область ёш ёзувчиларининг семинари очилди.** Тошкент область комсомол комитети ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Тошкент область бўлими ташаббуси билан ташкил этилган бу семинар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган.

Область ёш ижодкорлари икки кун мобайнида ҳозирги замон адабиёти ва ижодкор масъулияти ҳақида лекциялар тингладилар, таниқли адиблар ва Паркент районн меҳнаткашлари билан учрашадилар. Сўнгра жанрлар бўйича секцияларга бўлиниб, асарлар муҳокамасида иштирок этадилар. Шунингдек, шеърият оқшоми, Николай Островский туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган ижодий кеча ҳам ўтказилади.

Семинар ишида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ў. И. Усмонов, филология фанлари доктори, профессор Л. Қаюмов ва бошқалар иштирок этмоқдалар.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Манзарали уй бурчаклари» — Тошкент экскаватор заводининг бадиий металл қуйиш усталари ишлаб чиқара бошлаган оригинал янгилик шундай деб номланади. Ана шу чиройли янгилик туркумига қўхна бронзани эслатувчи ҳошияли катта кўзгу, столча (бу столча деворга маҳкамланади), манзарали металл оёқдаги юмшоқ ўриндиқ ва иккита чироқдан иборат.

Корхона ана шу буюмларни тайёрлаш учун «Ташхозторг» ва «Ўзбекбирлашув»дан буюртмалар олди.

●

Фучик номидаги музейда ёш фучикчи-интернационалистларнинг антифашистик митинги бўлиб ўтди. Ҳозир Тошкентдаги 30 дан зиёд мактабнинг пионер дружиналари, отрядлари, интернационал дўстлик клублари Фучик номи билан аталади. Митингда Чехословакияни фашист босқинчиларидан озод қилишда иштирок этган Улуғ Ватан уруши ветеранлари, меҳнат ветеранлари, Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган чет эллик студентлар иштирок этишди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 21 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 13—15, эртага кундузи 29—31 даража иссиқ бўлади.

«ДЎСТЛИК БАЙРАМИ»ГА МАРҲАМАТ!

БУГУН

шаҳримизнинг Ленин комсомоли номли марказий маданият ва истироҳат боғида анъанавий XXVII «Дўстлик байрами» карнавали бошланди.

Анъанавий байрам карнавалига ташриф буюрган ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлик кўрик-конкурслари лауреати Й. Охунбобоев, Глиэр ва Ровеснк маданият уйлари бадиий ҳаваскорлари ижросида қўшиқ ва рақслар тинглаб томоша қилишади.

Томошаларда М. Горький номли рус академик драма театри артистлари ҳам қатнашадилар.

эртага

байрам карнавали давом этади. Карнавал томошаларининг давомида кичкинтой ҳамшаҳарларимиз учун ҳам махсус концерт программалари намойиш этилади. Кичкинтойлар ёромгоҳда Республика қўғирчоқ театри артистлари билан учрашадилар. Икки кун давом этадиган карнавал давомида турли викторина ва конкурслар ўтказилади, кўчма зоопарк томошалари намойиш қилинади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ — МЕҲМОНДА

Мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги қарордан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш катта аҳамият касб этиб бормоқда. Уларга ишлаб чиқариш илғорлари ҳар жиҳатдан оталиқ ёрдами кўрсатишяпти. Ишчилар мактабларни ремонт қилишда иштирок этишиб, ўқувчилар билан тез-тез учрашиб туришибди. Практика вақтида уларга мураббийлик қилишяпти.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчилари яқинда 91-мактаб ўқувчилари ҳузурида бўлишди. Улар коллектив эришаётган муваффақиятлар, донгдор ишчилар ҳақида сўзлаб бердилар. СССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Олим Хўжаев мемориал тахтасининг очилиш маросимида иштирок этдилар.

Р. ОҚИЛОВ.

● ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ

ГИГАНТЛАР БАҲС БОШЛАШАДИ

эртага

Москвадаги Союзлар уйининг Колонна залида шахмат бўйича жаҳон биринчилигининг биринчи партияси ўйналади. Жаҳон чемпиони А. Карпов ва чемпионликка даъвогар Г. Каспаров ўртасидаги учрашув томонларининг бирн олти ғалабага эришгунга қадар давом этади. Дуранглар ҳисобга олинмайди. Мусобақанинг бош судьяси югославиялик Светозар Глигоричдир.

Мусобақалар кундалиги

XVI ЖОҲИЛЛИКЛАР ЎЗБЕКИСТОН ЎҚУВЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Бугун кўл тўпи бўйича саралаш мусобақалари давом эттирилади. Ўзбекистон ССР терма командаси кечқурун Озарбайжон командаси билан учрашади. Қизларимизнинг бугун бўладиган Қозоғистон терма командаси билан ўйини ҳам катта аҳамиятга эга. Агарда улар ғалаба қозонишса, финал олтиликка кириш имкониятлари кўпаяди. Ана шу олтилик спартакиада медаллари учун курашни давом эттиради.

Эртага «Меҳнат резервлари» спорт комплексида спартакиада программаси бўйича бадиий гимнастикачиларнинг мусобақалари бошланади. Мусобақалар соат 10 да бошланади. Соат 17.00 да турнирнинг тантанали очилиши бўлади. Шундан сўнг қизлар мусобақаларни давом эттиришади.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИБ

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси 20-цехидаги пресслаш участкаси партия группасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистларнинг фаолияти, уларнинг КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида атрофлича сўз юритилди.

Партия ташкилотчиси С. Семенюк ўз ҳисоботида шуни таъкидлаб ўтдики, барча коммунистлар (улар партия группасида етти нафар ва икки нафар партия аъзолигига кандидат) ўз ишлаб чиқариш вазифалари ва жамоат топшириқларини муваффақиятли уддаладилар. Ҳар бири шахсий планга эга ва уни муваффақиятли бажаради, шахсий социалистик мусобақада фаол иштирок этади. Бригада ва участкалар хўжалик фаолиятида юксак пировард натижаларга эришувига ўз ҳиссаларини қўшишади.

Шу йилнинг июнь ойидан участка ягона бригада бўлиб, оз миқдордаги ишчилар билан ишлаш имконияти туғилди. Бу эса меҳнат унумдорлигини ўстириш, бракни камайтириш имконини берди, металлдан анча самарали фойдаланиладиган бўлди.

Одамлар ўз ишларига янада масъулиятлироқ муносабатда бўладиган, ким ўйл қўйганлигидан қатъий назар, бракка қарши активроқ курашга бошлаганликлари маълум бўлди.

Ижобий томонга ўзгариш бор. Лекин партия йиғилишида таъкидлаб ўтилганидек, ҳали ҳамма иш қилинган деб бўлмайди. Брак батамом тугатилмади, остнасткалар сифатсизлиги, ускуна яхши созланмаганлиги сабабли брак маҳсулот салмоғи юқорилигича қолмоқда.

Иш жойларини аттестациядан ўтказиш расмиятчилик билан хўжакўрсинга қилинади. Меҳнат интизомини бузиш ҳоллари ҳам юз бериб турибди — йил бошидан бери саккиз марта прогул қилинди. Коммунистлар шундай ҳолларга қарши актив курашмоқдалар, «Интизом кунларида» прогулчиларни муҳокама қилишда ишторок этмоқдалар.

Коллективда мусобақа пешқадамлари талайгина. Жумладан, О. Назаров бошлиқ бригада товар маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, меҳнат ҳажмини камайтириш бўйича биринчи ярим йиллик планини муваффақиятли адо этди. Коммунистлар Л. Зайков, В. Чезганов ўз ишлаб чиқариш топшириқларини 105—110 процентга етказиб бажаришяпти. Бригада Бутуниттифоқ «Союзмашх л о п к о водство» бирлашмаси корхоналари орасидаги социалистик мусобақада бир неча марта энг яхши деб тан олинди. Коммунист С. Хоренко эса энг яхши мастер бўлди.

Парттгруппанинг ҳар бир аъзоси партия топшириғига эга. Лекин бу топшириқларнинг бажарилиши у қадар дуруст деб бўлмайди. Шундай бўладики, коммунистлар кўпгилли халқ дружинасида навбатчиликка боришмайди, айрим топшириқларни эътиборсиз қолдиришади.

Ҳисобот даврида ета тита партия йиғилиши ўтказилиб, унда коллектив фаолиятининг меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, коммунистларнинг ўз мажбуриятларини бажариши, маҳсулот сифатини яхшилаш каби масалалари муҳокама қилинди.

Коммунистлар партия маорифи системасида ҳам муваффақиятли шуғулланишди. Парттруппа аъзолари ҳамкасб ўртоқларига ижобий таъсир кўрсатиб, коллективни жипслаштиришяпти.

Коммунистлар ўз нутқларида докладчининг сўзларини тўлдиришди, ҳар биримиз бундан буён ҳам ўз ишимизни яхшилашга, такомиллаштиришга интиламиз, деб ваъда беришди. С. Семенюк яна партия группаси ташкилотчиси этиб сайланди.

Т. МЕЛЕНТЬЕВА, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси 20-цехининг партия ташкилоти секретари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

● ЭРТАГА—БОЛГАРИЯДАГИ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ.

БОЛГАР ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — ОЗОДЛИК КУНИ

Родоп тоғидаги Смолян шаҳри — социалистик типдаги янги шаҳардир: Кенг кўчалар, гўзал маъмурий ва маданий-оқартув бинолари, шинам турар жойлар кейинги йилларда қад кўтарган.
СУРАТДА: Смолян марказида.
А. Смирнов фотоси. (ТАСС).

Социализм йўлида—40 йил

Георгий КАРАМАНЕВ,
Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари.

1944 йил 9 сентябрь — Социалистик Болгариянинг туғилган куни, янги санамизнинг биринчи куниднр. Ана шу кундан Болгария ўз йўлини бошлади ва мана 40 йилдирки, қайта туғилган она-Ватанимиз кучғайратга тўлиб бормоқда. Мана, 40 йилдирки, болгар халқи замонавий Болгарияни, реал социализм Болгариясини — иқтисодий жиҳатдан юксак ва бир маромдаги суръатлар билан ҳар томонлама ривожланиб бораётган мамлакатни қурмоқда.

Тарихан қисқа муддат ичида партия ва халқ Ватанимизнинг ўлмас фарзанди Георгий Димитров васиятини шараф билан бажарди. Социалистик Болгария 15—20 йил ичида шундай ютуқларга эришдики, бошқа мамлакатлар бошқа шароитларда бундай ютуққа юз йил ичида аранг эришди.

Иқтисодий тараққиётда юксак ва бир маромдаги суръатларга эришилди. Ҳозирги пайтда фақат саноат корхоналарининг ўзигина тўрт кун ичида бутун мамлакат 1939 йилда ишлаб чиқарганидан ҳам кўпроқ маҳсулот тайёрламоқда. Миллий даромад қиёсий баҳоларда 13 марта кўпайди.

Миллий экономиканинг айрим соҳаларида ёки етакчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ўсиш янада катта-дир.

Ҳозирги вақтда Болгария — замонавий саноати ривожланган ва замонавий қишлоқ хўжалиги йириклашган мамлакат бўлиб қолди. Ишлаб чиқариш кучларини жадал ривожлантириш натижасида биз аграр жиҳатдан қолоқ мамлакатдан индустриал-аграр давлатлар группасида муносиб ўринга чиқиб олдик.

Бугунги кунда бизда электрон-ҳисоблаш техникаси, рақамли программа билан бошқариладиган металл қирқувчи дастгоҳлар, ихчам автоматлаштирилган ишлаб чиқариш системалари, автокарлар, электрокарлар ва электротельферлар, электр ва радио аппаратуралари сингари замонавий машина ва дастгоҳлар тайёрланмоқда.

Энг қурғоқчилик йили бўлган 1983 йилда 1939 йилга таққослаганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш уч ҳисса ошди.

Фан соҳасида муайян ютуқларга эришилди. Шаҳар ва қишлоқ меҳнатларининг маданий савияси муттасил ошиб боряпти. Илмий фаолият соҳасида юз мингдан знёд киши ишлаяпти.

Болгария Коммунистик партияси мамлакатни ривожлантириш учун нимаики қилган бўлса ва амалга оширса, халқ турмуш фаровонлигини оширишни, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришни кўзда тутмоқда.

1972 йил декабрь ойида бўлиб ўтган БКП Марказий Комитетининг Пленуми халқ турмуш савиясини ошириш масалаларига бағишланди. БКП Марказий Комитетининг Бош секретари Тодор Живковнинг доклади ва Пленум қарорлари аҳоли фаровонлигини оширишнинг умумхалқ программаси бўлиб қолди.

Социал соҳада халқ ҳокимияти йилларида шунчалик кўп иш қилинди-ки, буларнинг барчасини санаб чиқиш қийин, албатта. Қуйидаги рақамлар бу ҳақда бир мунча тасаввур бериши мумкин: аҳоли жон бошига ижтимоий истеъмол фонди 1956 йилги 308 левдан 1983 йилда 1832 левга кўпайди [тахминий маълумотларга кўра]. Ишчи ва хизматчиларнинг номинал иш ҳақи шу давр ичида 778 левдан 2412 левга кўпайди.

Болгариянинг халқаро иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва роли тубдан ўзгариши, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиши социализмнинг тарихий ғалабаси ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда эса бизнинг экспортимизда саноат моллари ва айниқса машинасозлик, химия индустрияси маҳсулотлари устунлик қилади. Экспорт умумий ҳажмида машина ва дастгоҳлар 54,5 процентни ташкил этмоқда.

Болгария Коммунистик партияси ривожланган социалистик жамият қуриш илмий программасини ишлаб чиқди ва уни муваффақиятли амалга оширмоқда. Унда КПСС ва СССР-нинг умумжаҳон тарихий тажрибаси ва марксча-ленинча фанни ижодий қўллаш базасида ўз ўтмишимиз ва ҳозирги кунимиз назарий тажрибалари умумлаштирилди ва тушунилди, мамлакатни ривожлантириш тенденциялари очилди, партиянинг бевосита тарихий вазифаси, унинг асосий йўналишлари, уни амалга оширишнинг йўл ва воситалари асослаб берилди.

Партиямизнинг ҳарактерли хусусияти — унинг революцион руҳда эканлигидир. Бу қимматли хусусият ленинча апрель йўлида ва партиямизнинг сиёсатида, апрель сиёсатининг ижодкори ва толмас амалга оширувчиси ўртоқ Тодор Живков шахсида ўз ёрқин ифодасини топди ва тўла намоён бўлди.

Социалистик жамиятимиз эришган катта муваффақиятларнинг ҳал қилувчи омили Болгария Халқ Республикасининг улуғ Совет Иттифоқи билан қардошларча дўстлиги, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан ҳамкорлигидир.

Ўтган 40 йил ичида болгар-совет дўстлиги турли босқичларни босиб ўтди. Аммо у бир нарсага содиқ қолди. Аввалгидек бугунги кунда ҳам бу дўстлик қардошларча ва бегараз, чин қалблар дўстлигидир.

Мамлакатимизда СССР ёрдамида қурилган корхоналар ҳозир электр энергия ишлаб чиқаришнинг 77 процентини, қўрғошиннинг 93 процентини, азот ўғитларининг—56, олтингугурт кислотасининг — 67, автомобиль шиналарининг — 50, аккумуляторларнинг— 63, электрокарларнинг — 64, электротельферларнинг — 69 процентини таъминламоқда. Фақат шу маълумотларнинг ўзи ҳам СССР билан ҳамкорлигимиз миқёслари ва аҳамиятини баҳолаш учун кифоядир.

Мана 40 йилдирки, Болгария социалистик ривожланиш йўлидан бормоқда. Бу қийин, лекин тарих белгилаган яккаю-ягона тўғри йўлдир.

София.
[София-пресс—АПН].

ЭРТАГА — КХДР ТАШКИЛ ТОПГАН КУН

АКАДЕМИЯНИНГ ЮБИЛЕЙИ

ПХЕНЬЯН. КХДР қишлоқ хўжалик фанлари академияси ташкил этилганлигига 35 йил тўлди. Республика эълон қилганидан кейин орадан атиги уч йил ўтиши биланоқ барпо этилган академия халқ ҳокимияти йилларида 10 тадан кўпроқ илмий-тадқиқот институтини, 50 тага яқин тажриба станциясини ўз ичига олган йирик илмий марказга айланди. Ҳозир бу ерда 1300 дан кўпроқ олим ишлаб турибди, инженерлар, техниклар ва ишчиларнинг катта отряди меҳнат қилмоқда.

Олимлар шоли навларини батамом янгилаб беришди, унинг сувўққа чидамли, эрта пишар янги турлари етиштирилди, мамлакатнинг мана шу асосий донли экинини парвариш қиладиган қишлоқ хўжалик машиналари яратилди, чорва ва паррандаларнинг янги сермаҳсул зотлари етиштирилди. Корея меҳнат партияси Марказий Комитетининг шоҳли сана муносабати билан академия ходимларига йўлланган табрикномасида партиянинг аграр сиёсатини амалга оширишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўпайтиришга улар қўшаётган салмоқли ҳиссага юқори баҳо берилган.

№ 9 (17)

ВАТАНПАРВАР

«ВАТАНПАРВАР» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТ КОМИТЕТИ ТОШКЕНТ СЕКЦИЯСИНИНГ РАИСИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ БОИС ҲАМИДОВИЧ ЭРГАШЕВ.

● ЭРТАГА— ТАНКЧИЛАР КУНИ

ВАТАНИМИЗНИНГ ЗИРҲЛИ ҚАЛҚОНИ

Эртага совет халқи ва шонли армиямизнинг жангчилари Танкчилар кунини байрам қилишади.

Совет танк қўшинлари шонли йўлни босиб ўтдилар. Бу қўшинларнинг вужудга келиши тарихи жангларда қўлга киритилган жуда кўп ғалабалар билан, шунингдек Коммунистик партия ва жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленин номи билан боғлиқ.

Петроградаги тарихий кунларда Қизил Армиянинг танк қўшинлари телеграф, почта, Невадаги кўприкларни қўлга олишда, Қишки саройга ҳужум қилишда актив иштирок этдилар. Қизил Армиянинг танк қўшинлари чет эл босқинчилари ва ички аксилинқилобчила р н и тор-мор этишда муҳим роль ўйнадилар.

Совет танкчилари Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган қаҳрамонликлар армиямиз солномасига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Улар фашистлар Германияси ва милитаристик Япония устидан қозонилган ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар. Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирган гитлерчи босқинчилар урушнинг дастлабки кунлариданоқ танкчиларимизнинг кучли зарбаларига дуч келдилар.

Ватан танкчилар кўрсатган қаҳрамонликларни муносиб тақдирлади. 1100 дан знёд танкчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. 16 танкчи икки марта ана шундай юксак унвонга сазовор бўлди.

Белгород яқинидаги Яковлево қишлоғида афсонавий танк «қотиб» қолган. Бундан 41 йил муқаддам шу ерда ҳаётмамот жанги бўлган эди. Душманнинг ҳужуми тўхтатилди, қўшинларимиз қарши ҳужумни бошлашди. Яковлево қишлоғида лейтенант Шаландин командирлик қилган комсомол экипажи мардонавор жанг қилди. У жуда кўп душман техникасини сафдан чиқарди. Ёш танкчилар жанг майдонида ҳалок бўлишди, лекин чекинишмади. Экипаж командирига ҳалоқ бўлганидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Қаҳрамон командир Шаландиннинг исми ва фамилияси Бронетанк қўшинларининг маршали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони П. С. Рибалко номидаги Тошкент олий танк командирлари билим юртининг шонли тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Билим юртининг 60 дан знёд битирувчиси жанг майдонида кўрсатган жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олган. П. С. Рибалко номидаги Тошкент олий танк командирлари билим юрти ҳозир ҳам Ватанимизнинг ишончли қўриқчиларини тайёрлаб бермоқда. У Совет Армиясининг юксак малакали офицерлар билан тўлдириб турибди.

Қуруқликдаги қўшинларнинг ажралмас қисми бўлган танк қўшинлари ҳамон асосий зарба берувчи куч бўлиб қолмоқда. Улар ҳар қандай шароитда ҳам жанговар топшириқни бажаришга қодирдир. Танк қўшинларининг техник жиҳатдан қуролланиш даражаси юксалди, ҳаракатчанлиги ошди. У ҳар қандай шароитда душманга зарба беришга қодирдир.

Танкчилар ўзларига топширилган вазифани нуқсонсиз ва юксак даражада бажармоқдалар. Улар социализм ғалабаларини ҳимоя қилишмоқда. Улуғ Ватан урушида қўлга киритилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлашга тайёргалик кўрмоқдалар. Бу Ғалабага улар ҳам муносиб ҳисса қўшишган.



Ўзбекистонлик Сибирь фарзанди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тонг ёришганида ҳар жиҳатдан мустаҳкам, кузатиш нуқталарига эга бўлган учта дзот тайёр эди. У ниҳоятда қўл келди. Кўп ўтмасдан душман ҳужум бошлади. Жангчиларимиз яширин дзотдаги қуроллардан ўт очиш билан уларни кутиб олишди. Душман жуда кўп жангчи ва офицерларидан айрилди.

Степан Ильин уруш йилларида қанча дзот, ертўла, йўл, кўприк қурганини, душманнинг қанчадан-қанча миналарини хавфсизлантирганини ҳисобга олиб юргани йўқ. Ишчи жангчи ўзининг оғир ва жуда хавфли вазифасини сидқидилдан ва виждонан бажарар эди. Бу билан у Ғалаба кунларини яқинлаштиради. Урушнинг қайси йўлида қўшинларимизнинг ҳужумга ўтишга ёрдам берган кўприк қурганини, қаерда миналарни хавфсизлантиргани хотирада сақлаб қолган эмас. Бир нарсани — душманни она тупроғимиздан ҳайдаб чиқиш лозимлигини ўзбекистонлик қаҳрамон яхши биларди.

...Фашистлар йирик аҳоли пунктидан чекинишаётган пайтда жуда кўп буюмларни ва нарсаларни миналаштириб кетишди. Уларнинг ҳаммасини хавфсизлантириш лозим эди. Старшина Степан Ильин бошчилигидаги сапёрлар муҳим вазифани бажаришга киришдилар. Улардан ниҳоятда аниқ ҳаракат қилиш, тажриба талаб қилинар эди.

Гитлерчилар нарсаларнинг деярли барчасини миналаштирган эдилар. Велосипед, дорга осиб қўйилган кийимлар, мевалардан ҳам портловчи мосламаларнинг симлари кўриниб турарди. Уларга бехос тегиб кетилган тақдирда мина портлар ва ҳамма нарсани вайрон қилиши мумкин эди. Хуллас, ниҳоятда хавфли вазифа турарди. Аммо, С. Ильин бошчилигидаги сапёрлар аста-секин ҳамма буюмларни ва нарсаларни хавфсизлантиришди. Старшинанинг ўзи қўл соатининг ҳаракатига қараб, қайси буюм миналаштирилганлигини аниқлар, дарҳол уларни хавфсизлантирар эди.

Степан Петрович Ильин Днепрни кечиб ўтишда алоҳида жасурлик намунасини кўрсатди. 65-армия составига кирувчи Қизил Байроқли 69-Сева дивизиясининг 99-алоҳида сапёрлар батальонининг бир группа сапёрларига командирлик қилаётган вақтда жанговар топшириқ олди. Уларга 45 миллиметрлик замбараклар батареясини қайиқлар билан Днепрнинг ўнг соҳирига ўтказиш вазифаси топширилди.

Ўнг соҳилга ўтиш артиллериядан ўт очиб туриш билан бошланди. Ильин ўтирган қайиқ биринчи бўлиб ўнг соҳилга ўтди. Шу пайтда замбарак ортилган қайиқлардан бири душманнинг минасига дуч келиб қолди. У тешилганлиги туфайли ичига сув тўлиб, чўка бошлади. Ильин фурсатни қўлдан бермай кийими билан муздек сувга ўзини ташлади. Замбаракка телефон симини улади ва уни ўртоқлари билан соҳилга судраб чиқарди. Сапёрлар Ильин бошчилигида яна бир неча замбаракни соҳилга олиб ўтишди. Бу муддат ичида душманнинг бир неча қарши ҳужумлари қайтарилди. Лекин энг сўнгги ҳужум жангчиларимиз учун ниҳоятда қийин бўлди.

Гитлерчилар катта талафот кўрган бўлишларига қарамасдан охирги кучларини тўплаб, жангчиларимиз эгаллаб турган маррага яқинлашдилар. Улар маррани эгаллаш учун жангни янада авж олдиришди. С. Илин граната билан бир танкни портлатиб юборди. Кейин қўл жанги бошланди. Бир группа фашистлар Степан Ильинга ташланишди. У фашистларнинг бир нечасини ўқ билан қулатди. Лекин бир фашист пичоқ билан унга ташланди. У С. Ильинни жароҳатлади. Аммо старшина ўзини йўқотмади. У автоматнинг қўндоғи билан фашистнинг бошига туширди. Душман ҳалок бўлди...

Шундай қилиб, душман дарёдаги жангчиларни таъқиб қилишга муваффақ бўла олмади. Марра қўлда сақлаб қолинди. Ўша куни кечқурун сапёрларни Днепрнинг чап соҳирига кўприк қуриш учун чақиришди.

Қурилиш материаллари юкланган машиналар кетма-кет соҳилга келиб турарди. Бир дақиқанинг ўзида болта, арраларнинг овози эшитила бошлади. Жангчилар катта иштиёқ билан ишлашарди. С. Ильиннинг сапёрлари кўприк қурилишини шундай бошлашди. Уларнинг бири қозиқ қоқса, иккинчиси ҳода келтирар, бошқалари уларни ўрнатар эди. Ҳали у жойда, ҳали бу жойда мина портлаб турар, уларнинг оскола-кари жангчиларнинг шундай ёнидан ўтиб кетарди...

Кўприк қурилишида ниҳоятда муҳим масъулиятли участка пайдо бўлди. Бу вазифани бажаришни С. Ильин ўз зиммасига олди. Бутун тун давомида муздек сувда, изғирин шамолда ишлади. Шу пайт қурилишга генерал келди. У уйқусизликдан ниҳоятда ҳориб қолган старшинанинг кўзларига тикилиб, совуқдан кўкариб кетган қўлларини кўрди. Унга дам олишга рухсат берди. Лекин старшина командирдан ўз хизмат вазифасини давом эттиришга руҳсат беришни илтимос қилди...

Сапёрлар кўпригини белгиланганидан анча олдин тиклашди. Даренинг нариги соҳилига шу кўприкдан танклар, замбараклар, пиёдалар, ўқ-дори ортилган транспортёрлар ўтди. Кейин жангчиларимиз ўнг соҳилдан ҳужумни кучайтирдилар. Улар олчоқ ёвни она тупроғимиздан қувишни шиддат билан давом эттирдилар...

Степан Петрович Ильинга Днепр дарёсини кечиб ўтиш пайтида кўрсатган қаҳрамонлиги, жасорати, ҳозиржавоблиги ва ҳарбий қасамга содиқлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Унга Берлинга қадар бориш насиб этмади. Жангни Совет—Польша чегарасида якунлашга мажбур бўлди. Шу ерда қаттиқ жароҳатланиб, контузияга учради. Врачлар ва ҳамширалар қаҳрамоннинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бутун чораларни кўришди. Катта машаққат эвазига уни ўлим чангалидан олиб қолдилар.

Саломатлиги тикланганидан кейин Степан Ильин она юрти Далварзинга қайтиб келди. Бу ерда мироблик қилди. 1980 йилга қадар ишлади. Ҳозир қаҳрамон жангчи пенсияда. Тошкентда яшаяпти. У тез-тез мактаб, ҳунар-техника билим юртлари, техникумларга бориб туради. Ёшларга совет халқи кўрсатган оммавий жасорат, қаҳрамонликлар ҳақида сўзлаб бермоқда.

М. ОТАХОНОВ, М. ГОРБАЧЕВ.

ЖАСОРАТ ЭСТАФЕТАСИ

Халхин Гол ва Хасан кўли районида қўлга киритилган ғалаба жуда кўп бадиий асарлар ва қўшиқлар яратилишига сабаб бўлган эди. Ҳа, қирқинчи ва ўттизинчи йилларда танкчиларимиз муҳим ғалабаларни қўлга киритишиб танк қўшинлари шуҳратини оширдилар. Ҳозирги кун нуқтаи назаридан қараганда ўйинчоқдек кўринадиган «Т—26» ўз даврининг энг ишончли машинаси эди. «Шаҳримиздаги йигит» фильми орқали у бутун мамлакатимиздаги экранларда намойиш этилди.

«Т—34» танки эса тарихга афсонавий машина бўлиб кирди. Фашистлар Германиясининг фани ва олимлари бутун уруш давомида ҳар жиҳатдан такомилига етган бу машинага қарши кураша оладиган техника яратолмади. Бу машинани бошқарган кишилар эса жанговар шуҳратларини бойитиб бордилар.

Вақт ўтиб бораверади. У ҳеч нарса абадий эмаслигини исботлайди. «Т—34» танклари ўрнига бошқа замонавий машиналар келди. Улар бошқарилиши, ҳаракатчанлиги, қуввати жиҳатидан фарқ қилади.

Бу жанговар техникани ҳозир Улуғ Ватан уруши йилларида жасорат намунасини кўрсатган кишиларнинг набиралари бошқаришмоқда. Улар учун ҳал қилинмаган муаммонинг ўзи йўқ. Гапнинг маъноси фақат такомиллашган техникада эмас, уларни бошқараётган жангчиларнинг ҳам маҳоратлари юксалиб бораяпти.

Суратда (пастда) ана шу жанговар техникани мукаммал биладиган жангчиларнинг ўқув машғулотлари ифодаланган. Бу машғулот пайтида капитан Гузенко командирлик қилаётган танкчилар бўлинмаси алоҳида намуна кўрсатди.

Қисқа қилиб айтганда танкчиларнинг шонли анъаналари тобора бойиб бормоқда.

Юқоридаги суратда эса жангчи ўз сафдошларига машғулот бошланганлигини хабар қилмоқда.

Э. ФЕДОРОВ.

А. Герасимов фотолари.

● ЖАНГОВАР ШУҲРАТ ВОРИСЛАРИ

Ватанпарварлар тарбияланмоқда

Куйбишев районидаги 18-ўрта мактабининг жанговар шуҳрат хонаси ҳамиша болалар билан гавжум. Каникул кунларида ҳам бу ерда иш тўхтагани йўқ. Ўқиш бошланиши билан болалар бу ерга янги стендлар келтиришди. Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қўлга киритган Буюк Ғалабасининг 40 йиллигига бағишлаб янги ҳужжатлар келтиришди. Бу мактабда ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта аҳамият берилаётганидан далолатдир.

— Бошланғич синфдан бошлаб болаларга ватанпарварлик туйғусини сингдиришга катта аҳамият бермоқдамиз, — дейди ҳарбий таълим раҳбари Лев Михайлович Маряновский.

Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, истеъфодаги подполковник Лев Михайлович ҳарбий хизматининг сўнгги йилларида В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юрти марксизм-ленинизм кафедрасида ўқитувчилик қилган. Кейин у оталиқдаги мактабга ишга ўтди. У фақат машғулотлар пайтидагина эмас, бўш пайтларида ҳам ўқувчиларга Улуғ Ватан уруши йилларида Совет халқи кўрсатган жасорат ҳақида тўлқинланиб сўзлайди. Жанговар дўстларининг жасурликларини ҳикоя қилиб беради.

Ўқувчилар ҳам қизиқарли тадбирларни амалга оширишяпти. 9-синф ўқувчиси Сантур Хачиев «Қизил Армия тарихи» клубини ташкил этди. Мактабда «Изланиш» группаси ишлаб турибди. Бошланғич синф ўқувчилари Совет Армияси жангчиларига хат ёзиб, муҳим ҳужжатлар тўплашяпти, улар меҳнат ва уруш ветеранларига рўзғор юмушларини бажаришда кўмаклашмоқдалар. Турли хил ёдгорлик буюмлари тайёрлаб, чет эллардаги тенгдошларга совға қилиб юборишяпти. Юқори синф ўқувчилари эса Генерал Собир Раҳимов қўмондонлик қилган 386-ўқчи дивизия тарихига онд ҳужжатларни тўплашяпти. Мактаб ҳам шу машҳур қўмондоннинг номи билан юритилади. Мактабда жанговар шуҳрат музейи ишлаб турибди. Бу ерда тез-тез жанговар қўшиқлар конкурси ўтказиб турилади.

Андрей Грачёв, Наташа Полтавцева, Бахтиёр Тўлаганов, Роман Галиев, Дима Новиковлар спортнинг ҳарбий амалий турлари бўйича ўтказилаётган мусобақаларда ҳамиша яхши натижа кўрсатишмоқда.

Мактабдаги агитбригада ҳарбий қўшиқлар кўрик-конкурсида биринчи ўринни эгаллади. Шу боисдан ҳам у Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг ёрлиғи билан тақдирланди.

Ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини беряпти. Кейинги пайтда битирувчиларнинг кўплари Совет Армияси офицери бўлиш учун ҳарбий билим юртларига боришаётгани бунинг далилидир. Жумладан, В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртида ҳозир мактабнинг ўн беш битирувчиси ҳарбий санъат сирларини ўрганмоқда. Улар билан мактаб коллективи ҳақли равишда фахрланади.

Г. ИСМАТУЛЛАЕВА.

Шанба оқшоми

• *Халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан*

Ҳикматнома

Ақл ақлдан қувват олади, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Халқ оғзаки ижоди дурдоналари — эртак, ҳикоят, масал, мақол ва бошқалар халқимизнинг туганмас бойлиги, ҳикмат хазинасидир. Қуйида халқ оғзаки ижоди намуналарини оқшомхонларга тавсия этдик.

● Аёлсиз уй — қуёшсиз осмон.
● Туз ичган уйингни унутма
Унутсанг, яхшилик кутма.
● Уй эгаси, тўй бекаси билан гўзал.
● Минг устага ҳам бир бошчи керак.
● Ўтирган қиз ўрнини топади,
Шошган қиз эрга ёлчимайди.
● Иззат қилган эр йигит муродига етади.
● Кеч ётиб, эрта тур,
Меҳнат гаштини сур.
● Тўғри юрган кийикнинг кўзидан бошқа айби йўқ.
● Епишмаганга ёндошма,
Ёндошганга ёпишма.
● Дараванг от тортади, той кишнайди.
● Бола урган ота ёмон,
Бола қарғаган она ёмон.

● Ҳой-ҳой қелин, жон келин,
Келинлигингни билгин.
Ели-ели ел келса,
Енгинг билан учиргин.
Яхши-ёмон гап бўлса,
Кулги билан кечиргин.

● Йўл юрсанг билиб юр,
Ён атрофга қараб юр.
● Нон-туз бир кунлик,
Яхши кўшни минг кунлик.
● Дўсти дононинг иши аъло!
● Иноқ бўлсанг иш унар.
● Одамнинг кўрки меҳнат,
Ҳунар унга зийнат.
● Шукр қилсанг етасан,

Фикр қилсанг ютасан.
● Бир қўй — пода бўлмас,

Бир ҳода — уй бўлмас.
● Дўст отини миниб манзилга тез етади.
● Дўстингни сўзи,
Ошингни тузи.

● Уғил замона кўрки,
Қиз эса жамолн.
● Ғийбат, ғийбатнинг таги иллат.
● Аччиқ гапирган дўстдан чўчима.
● Дононинг сўзи — маъно.
● Вазмин одам ютади,
Енгил одам йиқади.
● Ақл — инсонга либос.

● Ширинлашиб ишласанг ишинг унар,
Жанжаллашиб ишласанг ишинг тўзар.

Профессор Малик МУРОДОВ тайёрлаган.

• *Тошкентлик умри чинорлар*

Пирибадавлат оила

Ҳаётимиз ширин, турмушимиз фаровон. Ҳар бир оилада бахт-саодат, ширин-ҳуррамлик, дастурхонларимиз тўкин-сочин.

— Бахтли турмушни, фаровонликни яратиб берган ҳукуматимизга офаринлар айтаман, — дейди Зеби биби Ёқубова. —Фарзандларим, невараларим, чевараларим билан ширин ҳаёт гаштини суряпман.. Улар менга меҳрибон, «ойижоним», «бувижоним» деб аллада азиз қилишади. Ҳаммалари ишлаб, меҳнат гаштини суриб юришибди.

Янгиобод массивида истиқомат қилаётган бу онахон 94 ёшга тўлди. Зебибиби ёшлигида уч қиз ва бир ўғли билан бева қолган эди. У фарзандларини меҳнатсевар қилиб тарбиялади. Катта қизи Меҳрихон «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида ишлаб, ҳозир пенсияга чиққан. Унинг уч фарзанди, невaралари бор. Ўғли Орифжон Улуғ Ватан урушида танкчи бўлиб жангларда қатнашди, ҳозир у «Янгиобод» маҳалла комитетининг раиси, етти фарзандининг отаси, набиралари кўп. Ўртача қизи Нурихон 8 боланинг онаси, пенсияда, кенжа қизи Ҳурихон эса, боғчада тарбиячи бўлиб ишлаган, олти фарзандининг онаси.

Табаррук ёшга кирган қария Зебибиби невараюздан Ёқубованинг чевaралари ошиб кетди.

СУРАТДА: Зебибибининг фарзандлари, невара-чевaралари уни тўқсон тўрт ёши билан муборакбод қилишмоқда.

Т. Каримов тексти ва фотоси.

Саркарда ҳаётининг саҳифалари

Ватан Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони билан тўрт марта тақдирлаган атоқли совет саркардасига бағишланган «Маршал Г. К. Жуков. Биография саҳифалари» деб аталган янги тўла метражли кинолента суратга олинди. Ҳужжатли фильмлар марказий студиясида яратилган картина 28 август куни Москвада жамоатчилик кўригидан ўтказилди. Экранда солдатликдан маршалгача бўлган шонли йўлни босиб ўтган, тилларда достон бўлган халқ қаҳрамонининг қиёфаси намоён бўлади. Фильмнинг еттита бобидан ҳар бири Советлар мамлакати тарихининг барча асосий босқичларини бошдан кечирган машҳур ҳарбий бошлиқ биографиясининг саҳифаларини ифодалайди.

Картинада фронт кинооператорлари ва ҳарбий фотомухбирларнинг съёмкаларидан, нодир архив материалларидан кенг фойдаланилди. Улар орасида илгари босилиб чиқмаган фотосуратлар бор. Уларни маршал Жуков ҳузурида махсус топшириқларни бажарувчи офицер Н. Бедов суратга олган. «Озодлик» киноэпопеясида саркарда образини яратган СССР халқ артисти М. Ульянов экран орқали ҳикоя қилади.

Лентани режиссёр М. Бабак суратга олган. У ўзининг «Солдат борарди», «Ўзгаларнинг ташвиши...», «Солдат мемуарлари», деган қаҳрамонона-ватанпарварлик фильмлари билан томошабинларга танилган. М. Бабак И. Ицков билан биргаликда сценарий муаллифи ҳамдир.

Янги картина совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 40 йиллигига бағишланган.

(ТАСС).

Шанба оқшоми

Бола эдик. Мурғак юракларимиз нимагадир чанқоқ, нимагадир умидвор, ниманидир интизор кутарди. Дадажонимиз кун botар томонга, жуда олисга, Ватанимиз учун жангга кетган эдилар. Икки қизалоқ, уч ўғил—ҳаммамиз дадажонимизни интизор бўлиб, интиқ бўлиб кутардик. Кеч куз кунлари турналар кун botар томонга, иссиқ мамлакатларга арғамчи солиб учиб кетаётганда термулиб, илтижо қилиб, нола қилиб хитоб қилардик:

— Турналар, дадажонимизга салом айтинглар, урушга кетганлар соғ-саломат келишсин, ғалаба билан келишсин!

Ғалаба ҳам бўлди. Урушдан омон-эсон қайтганларни севинч-қувонч билан, қучиб кутиб ҳам олдик... Лекин бизнинг дадажонимиз қайтмадилар, азиз номлари ёзилган «қора хат» бағримизни қон қилди. Беш етим гўдак мўлтирашиб, кўзларимизга маъюслик, нигоронлик муҳри тушиб қолди.

Ойижонимиз адил қомат, меҳнатда шаддод, дили доим обод, лобар аёл эдилар. Самолёт ишлаб чиқарадиган заводда ишлардилар. Опаларимиз мактабда ўқишарди, биз мурғаклар уйда қолардик. Кундузлари бир нави ўтарди-ю, кечқурунлари ойим ишда бўлсалар оламни қоронғулик босиб, дилимиз ҳуфтон бўлиб кетарди.

— Мана мен келдим, яхши ўтирибсизларми, қўзиларим?

Ойижонимнинг кумуш жарангидек овозидан уй янграб, яшнаб, ёруғ бўлиб кетарди, олам мунаввар бўлиб кетарди.

Ойижонимиз адил қомат, меҳнатда шаддод, дили доим обод, лобар аёл эдилар. Самолёт ишлаб чиқарадиган заводда ишлардилар. Опаларимиз мактабда ўқишарди, биз мурғаклар уйда қолардик. Кундузлари бир нави ўтарди-ю, кечқурунлари ойим ишда бўлсалар оламни қоронғулик босиб, дилимиз ҳуфтон бўлиб кетарди.

— Мана мен келдим, яхши ўтирибсизларми, қўзиларим?

Йиллар ўтди. Дадажоним урушга кетганларида уч яшар қолган кенжа укамиз Тоҳиржон эллик ёшга яқинлашиб қолди. Куш полопонлари учирма бўлиб ҳар ёққа тарқаб кетгандек, биз ака-сингиллар ҳам турмуш қуриб, оилали бўлиб ҳар қайсимиз ҳовли-жой қилиб чиқиб кетдик. Эски ҳовлимизда ойижоним укамиз Тоҳиржон билан туришади.

Йигирма саккиз ёшида беш бола билан бева қолган ойижонимиз бошқа турмуш қилмай, оҳимизни озода қилмай, заводда ишлаб бизни вояга етказдилар. Ойижоним шанба ёки якшанба кунлари қайси қиз ёки ўғилларининг уйига борсалар, ўша хонадон мунаввар бўлиб кетади:

— Ургра, яшасин! Ойижоним келдилар, ойижоним! — деб ҳайқиришади болалар. Шунда, назаримда уруш тугаган кундаги ғалаба наъраси янграгандек бўлади. Етмиш ёшдан ошган онажоним ҳаёт жангида ғолиб чиқиб, оламни мунаввар кўраётган мард аёл саркардага ўхшайдилар. Нуроний онахонимнинг тилаклари доим шундай:

— Замон тинч бўлсин, эл-юрт омон бўлсин!

Яхши одамларнинг эзгу нияти билан олам доим мунаввар бўлиб туради, ҳаёт давом этиб туради.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

О Л А М М У Н А В В А Р

(ШИНГИЛ ҲИКОЯ)



Оппоқ фавворалarнинг шовуллаш куйига кўм-кўк дарахтлар рақс тушаётганга ўхшайди. Нурли саҳарларда, сўлим оқшомларда бу оромгоҳларда дил ёзиб сайр этиш ҳамшаҳарларимизга бир олам роҳат бағишлайди. Бу гўзал манзаранн фотомухбир Х. Мирзакаримов суратга туширган.

● ФИЛАТЕЛИСТЛАР, СИЗЛАР УЧУН

ПОЧТА МАРКАЛАРИ

МОСКВА. Москва мудофааси давлат музейида очилган почта марклари виставкаси Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 40 йиллигига бағишланди. Виставка экспозицияси қуролли кучлар ветеранларидан иборат москвалик филателистлар коллекцияларидан ташкил этилди.

Виставка экспонатлари гитлерчилар фашизмига қарши курашда армиямиз эришган ғалабалар ҳақида, совет жангчилари ва партизанларининг қаҳрамонлиги тўғрисида, мамлакат ичкарисида меҳнаткашлар кўрсатган мардлик ҳақида эслатиб туради. Уруш йиллари ёдгорликлари — уруш қатнашчилар и н и н г фронтдан йўллаган мактублари алоҳида эътиборни жалб этади.

● ОҚШОМ НАСИБАСИ

ПИШЛОҚ

Ёғи олинган ёки олинмаган сутни ачитиб қайнатилса ёки янги сутга бир оз қатиқ қўшиб қайнатганда оқсил моддаси зардобидан ажраб, бурда-бурда бўлиб қолади. Бурдаларни сузиб олиб ёғланган чинни лаганга солинади-да, 20-24 соат давомида шамоллатиб қотирилади. Шундан сўнг халтачага солиб оғзи маҳкам боғланади ва устига оғир нарса қўйиб прессланади. Бунда зардоби яна яхши сиқилади. Салқин жойда пишлоқ қанча узоқ турса, шунча яхши бўлади.

Бу неъмат нонуштада истеъмол қилиш учун дастурхонга тортилади. Пишлоқни паррак-паррак қилиб кесиб сарёғда қовуриб ейилса яна ҳам лаззатли бўлади.

К. МАҲМУДОВ.

● ФАН ВА ТЕХНИКА КАШФИЁТИ

ҚАЛАВА ЭРИТМАСИ

Рига политехника институти билан Латвия Фанлар академияси органик синтез институтининг олимлари таклиф этган эритмага ботирилган ҳар қандай табиий тола қалаваси жуда пишиқ бўлиб қолади.

Тўқимачиликда механик ва химиявий ишловдан ўтган калава албатта шикаст топади. Бўяш установкалари, тараш машиналари, тўқув станоклари қусурлар вужудга келтиради. Олимлар таклиф этган восита қусурларни анча камайтиради.

• *Ҳайвонот олами сирлари*

ТИКАНИ ЎН МИНГ

Ростмана катта типратиконда узунлиги 2—4 сантиметр бўлган 16 мингтагача тикон бўлади. Энг катта типратикон бўйи 30 сантиметргача бўлиб, вазни бир килограммдан ошади. Типратикон ўз болаларини икки ойгача ортидан эргаштириб юради, сўнг улар мустақил яшашга ўрганиб кетишади.

Кузда «коптоқ» бўлиб уйқуга кетган типратиконлар баҳорда яна уйғонади. Типратикон зарарли ҳашаротларга қирон келтиришн билан фойдали ҳайвон ҳисобланади.

АКУЛАНИНГ ҲУШЁР ҚУЛОҒИ

Америка олимларининг таъкидлашича, одам ва ҳайвон мускуллари паст частотали товуш тўлқинини қабул қилиб оладиган генератор асбобидай хизмат қила олар экан. Одамнинг ва кўпгина ҳайвонларнинг эшитиш органлари бундай паст товушларни илғамайди. Аммо акула балиғи бундай товушни дарҳол илғаб олади. Шунинг учун ҳам сувда ўзини эплай олмай, беҳол қалқиб бораётган ҳайвон ҳаракати тўлқинини акула жуда олисдан ҳам илғаб-эшитиб ўлжа қилгани етиб келади.

УЧ ТОННАЛИК ҲАЙВОН

Каркидонлар от каби кишнаб пишқирганн ва кўпинча сувда бўлганн учун африкаликлар уни «сув отлари» деб аталган. Каркидоннинг оғзи ростмана чамадондай катта, пастки жағидаги тиши 70 сантиметргача узун бўлади.

Каркидон 35—40 килограммлик бола туғади. Ростмана катта каркидон вазни 3 тоннадан оғир келади. Бу кучли ҳайвоннинг қалин терисн қимматли, гўшти ширин бўлганн учун жуда камайиб кетган. Ҳозир уни Шарқий ва Марказий Африкада, ҳайвонот боғларида учратиш мумкин.

С. ҒАФУРОВ тайёрлаган.

● Наботот—ҳаёт манбаи

Зиркнинг хосиятлари

Ҳурматли редакция! Зирк ўсимлигининг қандай хосиятлари бор! Баъзида уни қорақанд ҳам дейишади. Шулар ҳақида маълумот берсангиз.

Марҳамат БУРХОНОВА, боғча тарбиячиси.

Зирк ёки қорақанд деб ном олган тиканли бута, баъзан бўйи 8-10 метрга етадиган пакана дарахтчанинг дунёда 450 тури ўсади, шундан ўн олтитаси Ватанимиздаги табиий ўрмонларда, сакиз хилини эса серқуёш республикамизда учратиш мумкин .

Зирклар туркумига баргини киш даврида тўкадиган, ярим доим яшил ва доим яшил ўсимликлар киради. Уларнинг барглари сариқ, чўзиқ, ёки соябонсимон, мураккаб тўпгуллари сийрак, пастки қисмида иккучта ёндош баргчаси бор. Гулбарглари олтита тожига эга, косача гулбаргникига қараганда анча кискарок. Остида иккита гуласал бези бор. Меваси бир ва кўп уруғли, ранги, кизил, ок, сариқ, кўк ва қора бўлади.

Зирк, Европа Жанубий ва Шимолий Америкаларда, Африка ва Шарқий ҳамда Ўрта Осиёда учрайди.

Зирк манзарали ўсимлик бўлиб, меваларини истеъмол қилса бўлади. Ҳўл мевасидан мураббо тайёрланади, овкатга солинади, жела (дирилдок), квас, павидло, сок, сироп, шарбатлар қилинади, кондитер саноатида эса зирк карамели чиқарилади. Бу ўсимликдан дорилар ҳам тайёрланади. Меваснинг таркибида канд, олма кислотаси, А ва С витаминлари бор.

Олимларнинг аниқлашича, ўсимликда алколоид берберин, бор, у одамнинг кон босимини пасайтиришга ёрдам беради, юрак уришини маромга келтиради. Баргларидан олинадиган настойка кон оқишини тўхтатишда ва жигар касаллигини даволашда медицинада кенг қўлланилади. Илдизидаги 2-5 процент берберин алколоидларидан гепатит, холецтетит ва ўтдаги тош касаллигини ҳам даволашда ишлатилади. Илдизларининг пўстлоғидан «холелетин» препарати тайёрланади, ундан ҳам ҳудди берберидай фойдаланса бўлади .

Ишлаб чикаришда зиркнинг ёғочидан кенг миқёсда фойдаланилади. Пишган меваларини аччик тош билан аралаштирилганда жун, чарм ва қоғозларни пушти рангга, илдизидан эса жун ва чармни сариқ рангга бўяш мумкин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника боғида зиркнинг Совет Иттифокида энг катта коллекцияси — 126 турдан иборат ва зиркдошлилар оиласига кирувчи доим яшил бутамагония туркумига кирувчи 8 та тури ўстирилмокда.

К. ОРИФХОНОВ, биология фанлари кандидати.

ГУРУЧ ИЧИДАН ЧИҚҚАН ТОШ

ёки бир ошхўрликда қонунбузарларнинг аён бўлган сир-асрорлари ҳақида

Ўзбек паловини ёқтирмаган киши борми! Айниқса чойхона паловн эркакларнинг жони-дили... Лекин ҳамма нарсанинг ҳам ўз меъёри бор. Бизнинг ошхўрларга эса бу гап чиқиш чққанчалик таъсир этмайди. Чунки улар «профессионал» ошхўрлар-да! Ошхўр бўлганларида ҳам «Иш вақтида айёр, ош вақтида тайёр»лардан. Улар маошни кутиб «беш-беш» ташлаб, бозорма-бозор, тўрва қўлтиқлаб бўзчининг мокисидек чопишмайди. Балки кимнингдир ҳожатини чиқариб, ошга «эритишади», тайёр ошга баковул бўлишади.

Бугун ҳам «чойхона базми» авжида. Улфатлар қуюқ дарахтлар қўйнидаги чойхона ҳовлисига қўйилган ёғоч қаравотда, ўнгитерси солинавериб сийқаси чиқиб кетган «қатирма» кўрпачалар узра чордона қуриб ўтирганларича, алжираб-валжирашяпти. Афтидан улар «Улфати чор, анда маза бор» деган халқ нақлининг мағзини чақишяпти... Аския, ҳазил-мутойиба эса авжида...

— Ҳов, амаки, — ширакайф улфатлардан бири қўли билан кишора қилиб чойхоначини чақирди: — Намунча таранг қилдиз, бу ёққа бир қаранг...

Новча бўйли, қотмадан келган, қўнғиз мўйловли чойхоначи истар-истамас курсининг бир четига чўкди-да, луқма отди:

— Иштаҳаларинг карнай бўлсин...

— Узиям гуручни ўрмалатиб юборасиз-да, — ошхўрлардан бири чойхоначига мақтов тошини отди. — Энди бизнинг қўлдан шу зормандни отворасиз... Сўнгра сизни улфатларим билан таништираман. Узларям йигитларнинг хўрози-да булар...

Чойхоначи ҳам кўп таранг қилмади. Шартта коньякни отиб, пиёланн «оқ» қилиб берди. Атрофдан «Балли, балли, сиз ҳам ўзимиздан экансиз» деган тасаннолар ўқилди.

Сўнгра «йигитларнинг гули» улфатларнни қироат билан таништиришга тушди.

— Бу киши ҳурматли бошлиғимиз, устозимиз, акахонимиз «Узглавстройдревпром»нинг автокорхонаси бошлиғи ўртоқ Убайдуллаев... бўладилар [У бошлиқ сўзига алоҳида урғу берди]. Енларидаги ишбилармон акамиз, бош инженеримиз ўртоқ Алимов..., бу киши эса мулла жиринглинн у ёқдан-бу ёққа сурувчи, ўзимизнинг «брат» Клейнер, бизнинг ёнда ўтирган бу акахонимиз эса эксплуатация бўлимн бошлиғи ўртоқ Ойхўжаев бўладилар... Айтиб қўяй, кун туғса ҳам, ой туғса ҳам шу кишига, ахир фамилияларн билан Ойхўжаев-да, — аския қилди у.

Атрофдан «ҳов», «бў», «ҳа-ҳа» деган беўхшов кулги кўтарилди.

— Узларн-чи, — чойхоначи суҳбатни улагандай бўлди.

— Каминани биласиз, кундашунда ошхўрлардан.. Хо-хохо... Бекорчилар ранси,.. Хо-хохо...

Улфатлар обдан кулишгач, бироз жиддий тортишиб, мавзуни ишга буришди.

— Кеча денг, балансдаги 134 та автомобилдан 32 тасини «шофёр йўқ» деган баҳона билан «ремонт»га қўйдим, — деди бош инженер мақтангандай.

— Давлатнинг ёқилғиси омон бўлса, ош бўлаверади, — деди бош бухгалтер ҳам бўш келмай.

— Ортиқча ёқилғи сарфлаган шофёрдан чакана нарх бўйича 100 процент ўрнига улгуржи нарх билан 60 процент жарима ушлаб қоляпмиз.

— Лекин айрим шофёрлардан умуман ушламаяпсизлар, — бошлиқ гина қилгандай бўлди.

— Ҳа, тўғрида, — эксплуатация бўлимн бошлиғи «шеф»нинг гапини қувватлади. — Уларнинг ҳам ошини ейликда!..

— Масалан, ўтган ярим йилликда бензин ортиқча сарф қилган кишилардан 145 сўм ушланмай қолди, — бош бухгалтер яна ҳисобдонлигини кўрсатди. — Бу ахир уч-тўртта ош деганн-я! Лекин бошқарма аппарати ва хўжалигимизда ортиқча ўн киши ишлаяпти. Давлат чўнтагидан 16 минг сўм ортиқча иш ҳақи тўлаб юборибмиз! Ишқилиб охирн бахайр бўлсин...

— Э, совуқ нафас қилма, биродар, — улфатлардан бири бош бухгалтерни жеркиб берди. — Яхши гаплардан гапирайлик.

Бир зумлик сукунатни бошлиқнинг дўриллаган овози бузди:

— Бизда иккита қоровул ҳам ортиқча ишлаётган экан! Уларни ҳам бир эритсак бўлармиди....

Бошлиқнинг бу гапидан ҳаммага жон кирди. Улфатлар гоҳ кекириб, гоҳ «ха-хо»лаб кулги кўтаришди. «Чойхона палов» устидаги гурунг анчагача давом этди. Ошхўр улфатлар бири олиб, бири қўйиб автомобиль хўжалигида «амалга ошираётган» қаллобликларн ва янги «режалари» хусусида анчагина чақчақлашдилар.

Аммо биз шу ерга келганда фельетонимизга нуқта қўйишни лозим топдик. «Узглавстройдревпром»нинг бу автомобиль корхонасида давлат қонун-қоидаларининг бузилаётганлигининг сабаби нимада экан! Нима учун корхона раҳбарларн ўта хўжасизликка, талон-тарожликка, молия-штат интизомининг бузилишига йўл қўяяптилар! Уларнинг мушугини «пишт» дейдиганлар наҳотки топилмаса!

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида кўзбўямачиларга, ошириб, қўшиб ёзувчиларга, порахўрларга, ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилаётган шахсларга шафқатсиз бўлиш кераклиги уқдирилади. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, АТП бошлиғи Б. Убайдуллаев, бош инженер А. Алимов, эксплуатация бўлимн бошлиғи Ш. Ойхўжаев, бош бухгалтер И. Клейнерларнинг масъулиятсизлиги, хўжасизлигини қандай баҳолаш керак!.. Хуллас, бу сафарги ошхўрлик қимматга тушди. Гуруч ичидан тош чиқиб, ошхўрларнинг тишини синдирди. «Ўғирлик ош — баданга юқмас», деб шунга айтадилар-да!

М. ХАЛИЛОВ.

• *Дам олиш соатида*

«ШАХМАТ» ЧАЙНВОРДИ



1. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, СССР гроссмейстери. 2. Шахмат мусобақаси тури. 3. Шахмат бўйича биринчи жаҳон чемпиони. 4. Шахмат ўйинида вақт танглиги. 5. Бир неча киши ўртасида ўтказиладиган мусобақа. 6. Аёллар ўртасида жаҳон чемпиони бўлган биринчи совет шахматчиси. 7. Ютуқ ҳисоби. 8. Йилнинг энг кучли шахматчисига бериладиган халқаро мукофот. 9. Ўйин давомида шоҳ ва руҳни алмаштиришдан иборат юриш. 10. Шахматга оид адабиётлар муаллифи бўлган гроссмейстер. 11. Узбекистоннинг биринчи чемпиони. 12. Шаҳмат ўйинида доналарнинг ўзаро боғланган, бир қанча юришларини ўз ичига олган ҳолат. 13. Шахматчи раҳбари. 14. Шахматчига бериладиган унвонлардан бири. 15. Тенг натижа билан тугаллаган матч. 16. Шахматдаги энг юксак унвон. 17. Шахмат донаси.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.

1 СЕНТЯБРДАГИ ЧАЙНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ: 1. Хожинова. 2. Анализатор. 3. Румшевич. 4. Чеканка. 5. Азот. 6. Текс. 7. Сигнал. 8. Линолеум. 9. Миср. 10. Розенблюм. 11. Мирахмедов. 12. Вахш. 13. Шаҳрихон. 14. Непс. 15. Сув. 16. Вилт.

Рассом табассуми

— Мактабга боришимга ҳар куни бир сўмдан берасиз-а, ойижон.

— Кеча туғилган кунинг эди, шишаларни сотиб хўрозқанд олиб бераман.

— Яхши дугонажон, энди менинг тушимни эшит.

Е. Одилов расмлари.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

8 СЕНТЯБРЬ, 1984 й.

● «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ШУҲРАТ»ДАГИ КЎЗБОЙЛОҒЧИЛАР»

«Тошкент оқшоми»нинг шу йил 1 сентябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали шанба фельетонида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг «Шуҳрат» мактаб-магазинида савдо қондалари бузилаётгани ҳақида ҳикоя қилинган эди.

Ушбу мақола юзасидан редакцияга йўлланган жавобда фельетонда келтирилган фактлар тўла тасдиқлангани айтилади. Совет савдоси қондаларнни қўпол равишда бузганлиги ва ишончни йўқотганн учун магазин упа-элик секциясининг катта сотувчиси Г. Муҳитдинова Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари тўғрисидаги Кодекснинг 37-моддаси 2-бандига кўра ишдан бўшатилди. Сотувчилар томонидан савдо қоидаларн бузилишига йўл қўйгани ва улар устидан етарли назорат ўрнатмаганлиги учун упа-элик секцияси мудири Б. Султоновга виговор, ўз қўл остидагиларнинг фаолиятн юзасидан етарли назорат ўрнатмагани учун магазин директори А. Аҳмедовга танбеҳ берилди.

Магазиннинг барча секцияларн раҳбарлари зиммасига савдо хизматн кўрсатишдаги нуқсонларга барҳам бериш, савдо қондаларига риоя қилишни кучайтириш, хизмат кўрсатиш маданиятини оширш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш топширилди.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 10 сентябрь куни Марказий телевидениенинг I программаси кўрсатувлари соат 9.00 дан 18.05 гача 5-канал орқали намойиш этилади.

ДУШАНБА, 10. IX

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Футбол шарҳи».
10.05 «Уфқ томон бораётганлар». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.
12.20 «Ажойиб лавозим». Телефильм.
12.50 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари: «Енисей сочма конлари», «Эртанги кун прогнозлари».
16.10 «Горнчилар, қаердасиз!»
16.40 «Онамларнинг мактаби».
17.20 Халқ чолғу оркестрининг концерти (Румыния Социалистик Республикаси).
17.50 «Расмларда қуёш акси бор».
18.05 Бадиий ҳаваскорлар ижоди Бутуниттифоқ кўриги.
18.25 «Футбол шарҳи».
18.50 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион сон.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар». «Миллионни қандай тежаб қолиш мумкин?» Украина автотранспорт корхоналарида ёқилғини тежаб қолиш тажрибасидан.
20.00 «Буэнос-Айресдаги интервью». В. Маяковский номли Москва академик театрининг фильм-спектакли. Автор — Г. Боровик.
21.30 «Время».
22.05 «Буэнос-Айресдаги интервью». Фильм-спектаклнинг давоми.
22.55 «Дунё воқеалари».
23.10 «Музика ҳамма учун».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Инсониятга фойдали бўл». Ҳужжатли фильм.
10.05 — 11.05 «Рус тили».
12.05 — 13.10 «Фан ва турмуш».
13.40 Алкоголизм ҳақида илмий-оммабоп фильмлар.
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Дунё ва ёшлар».
19.15 «Картошкакорларга маслаҳатлар».
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Ер». Бадиий фильм.
23.30 Автоспорт бўйича социалистик мамлакатларнинг дўстлик кубоги.

● ЎзТВ I

18.05 Янгиликлар.
18.20 Мультфильмлар.
19.00 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Мактаб ўқувчиларининг XVII Бутуниттифоқ спартакиадаси. Бадиий гимнастика. «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан ёзиб олинган репортаж.
20.15 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 Камер куйлари кечаси.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 «Тошкентнинг олтин кузи». III Бутуниттифоқ санъат фестивалининг очилишига бағишланган катта байрам концерти. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.

● ЎзТВ II

9.00 —16.25 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Архитекторлар». «Менинг манбаларим». Телефильмлар.
19.15 Врач маслаҳати.
19.25 «Балет сюитаси». Фильм-концерт.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Агар севиб қолсам». Телевизион бадиий фильм (рус.).
21.30 МТ II.

ХУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети ўз программаларига ўзгаришлар киритиши мумкин.

СЕШАНБА, 11. IX

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион сон.
9.55 «Горнчилар, қаердасиз!»
10.25 «Буэнос-Айресдаги интервью». Фильм-спектакль.
12.40 «Музика давом этади». Фильм-концерт.
13.05 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Изланишнинг оддий кунлари». Телефильм.
15.40 «Купалинка». Фильм-концерт.
16.15 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.45 «Мардлик қонунига биноан». Кўрсатувни ёзувчи Ю. Семёнов олиб боради.
17.15 «Моҳир қўллар».
17.45 Совет кинорежиссёри ва кинодраматурги А. П. Довженконинг ҳаёти ва ижоди ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
19.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион сон.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Хоккей бўйича «Канада кубоги» халқаро турнири. Канада — СССР терма командалари. Канададан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Мангу даъват». Ўн тўққиз серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия — «Синов».
23.15 «Дунё воқеалари».
23.30 «Гитарачи А. Бариленко чалади».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Припятье узра учаётган лайлак». Телефильм.
11.55 «Шахмат мактаби».
12.25—13.00 «Барча жонзот...» Илмий-оммабоп фильм.
14.00 «Фан ва турмуш». «Автоматлаштириш: фан ва жорий этиш муаммолари».
14.45—15.15 «Рус ёғоч ўймакорлиги».
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 Калуга бадиий музейи.
20.00 Стелла Энакие куйлайди (Румыния).
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал.
21.20 «Бўзсувнинг куз жозибалари». Телевизион ҳужжатли фильм (Тошкент).
21.30 «Время».
22.05 «Вальс кечаси».
23.05 Стендаль. «Ванина Ванини».
00.05 «Тошнинг қалби». Арманистон архитектура ёдгорликлари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Пионерлар мамлакатида».
18.45 Қўғирчоқ фильм.
19.00 «Мамлакатнинг аҳоли жойлашган районларида меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш» Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Э. Самандар. «Аср тоши». Аваз Ўтар туғилган куннинг 100 йиллигига.
20.30 «Ахборот».
20.50 Муқимий номли Ўзбек музикали театрининг солистлари ижросида музикали драмалардан ария ва дуэтлар.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Партия турмуши» (рус.).
22.35 «Жиноят». Бадиий фильм. 1-фильм. «Муросасизлик».
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.15 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Илҳом». Телефильм.
18.45 Ўқув программаси.
19.15 «Олтин илдиз», «Кодрадаги ҳовли тўйлари». Телефильмлар.
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 Телевизион театр. А. Мухтор. «Қўшнилар» (такрорий).
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 12. IX

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Моҳир қўллар».
10.10 «Арфанинг сеҳри овози». Фильм-концерт.
10.35 «Халқ ижодиёти». Телевизион шарҳ.
11.20 «Саёҳатчилар клуби».
12.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «Ғалла учун». Телефильм премьераси.
16.05 «Шарафханли» фольклор ансамблининг концерти (Кировобод шаҳри).
16.35 «Поэзия». Ю. Тувим. Туғилган кунининг 90 йиллигига.
17.05 «Қувноқ стартлар».
17.50 «Асрларга тенг ўн йиллик». Эфиопияда ижтимоий ўзгаришлар ҳақида телеочерк.
18.10 Халқаро конкурслар лауреати В. Постникова чалади.
18.40 «Биз БАМни қуряпмиз».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильмлар.
19.55 «Тулпорлар». Телефильм.
20.05 Тембрли баянлар ансамблининг концерти.
20.30 «Ёзувчи ва замонавийлик». А. Чаковский.
21.30 «Время».
22.05 «Мангу даъват». Ўн тўққиз серияли телевизион бадиий фильм. 9-серия — «Уруш».
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 С. Есенин шеърларига Г. Свиридов ёзган поэма.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Остонадан ҳатлаб ўт». Телевизион ҳужжатли фильм (Тошкент).
12.05—13.10 «Онамларнинг мактаби».
14.40 «Ўқитувчи». СССР халк ўқитувчиси Н. Ф. Парфёнова ҳақида телеочерк.
15.20 «А. Н. Островский пьесаларининг қаҳрамонлари». 1-кўрсатув.
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Қишлоқ янгиликлари».
19.50 Тбилиси шаҳар хор жамияти «Лилиео» ансамбли ижро этади.
20.00 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Ёшлар аудиториясидаги учрашувлар. «Инженер ҳақида сўз».
21.30 «Время».
22.05 Совет ва чет эл бадиий коллективлари иштирокида музикали кўрсатув.
23.00 «Павел Луспекаев». Телефильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм. «Шахмат солдати Пешканинг саргузашти».
11.00 «Чукотка бошлиғи». Бадиий фильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильмлар.
18.50 Мактаб ўқувчиларининг XVII Бутуниттифоқ спартакиадаси. Бадиий гимнастика. Кўп курашнинг алоҳида турлари бўйича финал мусобақалар. «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан ёзиб олинган репортаж.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Халқ контроли экрани» (рус.).
20.15 «Ғаллачилик: тажриба ва муаммолар».
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Жиноят». Бадиий фильм. 2-фильм. «Қаллоблик». 1-қисм.
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.25 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Чўл қурбақалар». Телефильм.
18.40 «Фан—ишлаб чиқаришга».
19.10 «Ер ва эл». Кинопрограмма.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Бор экан-да, йўқ экан». Телефильм.
21.00 «Кумуш карнайлар». Музикали фильм.
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 13. IX

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион сон.
9.55 Телевизион фильмлар: «Сут соғувчи портрети», «Ким бизларни усталар қилиб етиштирмоқда».
10.30 «Ер». Бадиий фильм.
11.55 «Қалбга яқин қўшиқлар».
12.35 «Акимов дарахтзори». Рязань область «Светлий путь» колхозининг раиси А. Н. Акимов ҳақида телевизион очерк.
13.05 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «Совет кишиси учун». Ҳужжатли фильмлар: «Деразаси далага қараган уй», «Курорт», «Сергиевск минерал сувлари».
15.40 А. М. Горький. «Тубанликда».
16.30 «Ўрмон комплексининг техникаси». «Лесдревмаш-84» кўргазмасидан репортаж.
17.00 «Шахмат мактаби».
17.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Оғир атлетика.
19.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион сон.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш». Фан ва техника соҳасида СССР Давлат мукофотига номзодлар.
20.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Ирландия — СССР терма командалари. Ирландиядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.00 Хоккей бўйича «Канада кубоги» халқаро турнири. Ярим финал. Канададан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Орджоникидзе». Телефильм.
9.55 Илмий-оммабоп фильм.
10.55—11.05 Илмий-оммабоп фильм.
12.05—13.05 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.25 «Сен қонунни биласанми?» «Кўча тасодифларга тўла».
15.00 «Индинги кун жадвали». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Генерал Ази Асланов». Телефильм.
19.05 «Цирк шарҳи».
20.00 «Сиз яратган боғ».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Болгария артистларининг концерти.
21.30 «Время».
22.00 «Танлаш». Телевизион бадиий фильм.
23.15 «Менинг қадрдон Подмосковьем». Концерт.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун. «Бойчечак».
10.50 «Набирам бўласан». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).
11.55 «Ваъда вафоси билан». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильмлар.
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Ноқоратупроқда Ўзбекистон ёшлари кунлари (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эстрада концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.20 «Жиноят». Бадиий фильм. 2-фильм. «Қаллоблик». 2-қисм.
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.30 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
18.50 Реклама.
19.00 «Красноярье шифохоналари», «Луганка дарёси ортида». Телефильмлар.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Зося». Бадиий фильм.
21.30 МТ II

ЖУМА, 14. IX

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Планета болалари дўстлашганда». Концерт.
10.15 «Танлаш». Телевизион бадиий фильм.
11.30 «Мўъжизасиз - мўъжизалар».
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари: «Добруджа — яшнаган диёр» (БХР), «Бир-биримиздан ўрганамиз» (ВХР), «Вьетнам эскизлари» (ВСР), «Влодзимеж Пухальскийнинг олами» (ПХР).
16.00 «Рус тили».
16.30 «Касби — бригадир. Бригадир қувончлари». Телефильм премьераси.
17.00 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация маршали С. И. Руденко билан учрашуви.
17.45 «Инсон ва қонун».
18.15 «Федоскино — рассомлар ери».
18.30 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Оғир атлетика.
19.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион сон.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Хоккей бўйича «Канада кубоги» халқаро турнири. Ярим финал. Канададан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Мангу даъват». Ўн тўққиз серияли телевизион бадиий фильм. 10-серия — «Ташвишли кунлар ва тунлар».
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 «Кроссворд». Эстрада кўрсатуви.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Янги бахт билан». Телефильм.
14.10 «Ёғоч ўймакорлиги».
14.40 Тарих саҳифалари. «Шахсан даҳлдор».
15.25 «А. Н. Островский пьесаларининг қаҳрамонлари». 2-кўрсатув.
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ернинг барча гуллари». Телевизион ҳужжатли фильм (Тошкент).
19.05 Р. Бабаян куйлайди.
19.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Инсон. Ер. Коинот».
21.30 «Время».
22.05 А. П. Чехов. «Ана, халойиқ». Телевизион спектакль.
24.00 «1984 йил қўшиқлари».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
10.50 «Набирам бўласан». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
12.00 «Уларни океанлар кутмоқда». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильмлар.
18.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон, қўшиғим».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Реконструкция суръати ошмоқда». Олмалиқ конметаллургия комбинати. «Правда Востока» газетаси редакцияси ва Ўзбекистон телевидениесининг биргаликдаги рейди.
20.20 «Финифть». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 З. Суюнова, А. Мадраҳимова ва А. Одилов иштирокида концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 Софокл. «Шоҳ Эдип». Ҳамза номли Ўзбек давлат академик драма театрининг спектакли. Бош ролда — СССР халқ артисти Ш. Бурхонов.
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.25 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Дўстлик поезди». Фильм-концерт.
18.40 «Тоғларда қолди менинг қалбим». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Кошкар», «Ижорликлар». Телефильмлар.
21.00 «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши».
21.30 МТ II

ШАНБА, 15. IX

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Урмон ходимлари кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар.
10.25 «Спортлото»нинг 37-тиражи.
10.35 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Ҳайкалтарош С. Пименов туғилган куннинг 200 йиллигига. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
11.30 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
12.00 «Қасамёдга садоқат». Ешларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
12.20 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион сон.
12.35 «Масеуатл». Ёшлар ансамблининг концерти (Никарагуа).
13.05 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Оғир атлетика.
13.50 «Уртоқ қўшиқ». Бутуниттифоқ телевизион конкурси.
14.35 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.05 «Сиз бунга қодирсиз».
15.50 «Дунё воқеалари».
16.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ёш гвардия». Бадиий фильм. 1-серия.
17.30 «Мюнхен фитнасининг оқибатлари». Кўрсатувда СССР Мудофаа министрининг ўринбосари, армия генерали В. М. Шабанов, тарих фанлари доктори, профессор В. А. Анфилов, Польша қўшинларининг ветерани Людвиг Борковский, авиация генерал-майори М. Н. Якушин иштирок этадилар.
18.25 Мультфильм.
18.35 «Опус» вокал-чолғу ансамбли ижро этади.
18.55 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
19.25 «Ҳайвонот оламида».
20.25 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия — «Товламачилар қироли».
21.30 «Время».
22.05 Оперетта шинавандалари, сизлар учун.
23.10 «Ильинский Зошченко ҳақида». Фильм-концерт.
00.15 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Ватанимни куйлайман». Воронеж шаҳар болалар бадиий коллективларининг концерти.
10.30 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Касб эмас, тақдирдир» (Тошкент) «Ернинг муқаддас бурчаги».
11.10 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
11.40 Ритмик гимнастика.
12.10 ХАБАРОВСК ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
13.00 Арманистон Давлат телерадиоси скрипкачилар ансамблининг концерти.
13.25 «Ҳаётга йўлланма».
14.15 Вертолётда учиш спорти бўйича СССР чемпионати.
14.45 «Табассум билан». Киноконцерт.
15.30 Мультфильм.
15.40 «Фестиваллар, конкурслар, концертлар».
16.30 «Халқаро обзор».
16.45 «Алим Кешоков». Телефильм.
17.45 «Музикали киоск».
18.10 «Кулги кечаси». Останкино концерт студиясидан кўрсатув.
19.45 «Здоровье».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Юр, кўрасан», «Боржом дараси». Телефильмлар.
21.30 «Время».
22.05 «Сенсиз қандай яшайман?» Бадиий фильм.
23.15 СССР Давлат академик симфоник оркестрининг концерти. Дирижёр — БХРда хизмат кўрсатган артист Э. Чакиров.
23.50 «Менинг қадрдон дарёим». Телефильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Болалар учун фильм. «Ёз тугай деб қолганда».
10.45 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Одам-амфибия». Бадиий фильм.
12.20 «Касаба союзлари—коммунизм мактаби» (рус.).
12.50 «Кинoредакция почтасидан».
13.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».
14.35 «Инсон ва табиат» (рус.).

* * *

17.50 Кўрсатувлар программаси.
17.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Дилдан куйлаб, ўйна кувнаб».
18.55 Мактаб ўқувчиларининг XVII Бутуниттифоқ спартакиадаси. Эркин кураш. «Ёшлик» спорт аренасидан ёзиб олинган репортаж.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Телевизион миниатюралар театри.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ғуломжон Ёқубов куйлайди».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 «Цирк, цирк, цирк!»
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00—17.40 МТ II
17.50 Кўрсатувлар программаси.
17.55 Тожикистон телевидениеси Марказий телевидениенинг II программаси учун тайёрлаган программаси.
19.00 «Новости».
19.20 «Ватан фарзандлари». Ёшлар учун программа.
20.00 «Ахбор».
20.25 «Борсанг, кўрасан». Ҳужжатли фильм.
20.40 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
20.55 Концерт.
21.30 МТ II

ЯКШАНБА, 16. IX

ЎРМОН ХОДИМЛАРИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.45 Халқ куйлари.
10.00 «Будильник».
10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.30 «Здоровье».
12.15 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
12.45 «Қишлоқ янгиликлари».
13.45 «Музикали киоск».
14.15 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Оғир атлетика.
15.00 «Саёҳатчилар клуби».
16.00 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ёш гвардия». Бадиий фильм. 2-серия.
17.20 «Бугун — Ўрмон ходимлари куни». Кўрсатувда СССР Ўрмон хўжалиги Давлат комитетининг раиси А. И. Зверев иштирок этади.
17.50 «Хатларингиз асосида». Ўрмон ходимлари учун концерт.
18.35 «Халқаро панорама».
19.20 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. «Ўлим билан олишув». 3-серия. «Йўлбарс ови».
21.30 «Время».
22.05 Қрим области «Россия» колхозида С. Ротару концерти.
22.40 «Поэзия». Н. Заболоцкий.
23.20 «Давлат ҳимоясида». Илмий-оммабоп фильм.
23.55 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.20 Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар.
10.00 «Рус тили».
10.30 «Объектив».
11.00 «Пианиночи Данг Тхай Шон». Вьетнамлик ёш музикачининг ижодий йўли ҳақида.
12.05 «Ерда, самода, денгизда».
12.35 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
13.30 «Ота билан учрашув». Телевизион ҳужжатли фильм.
14.30 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестри жўрлигида РСФСР халқ артисти А. Тихонов чалади (балалайка).
15.00 ВОЛГОГРАД ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
16.00 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.30 «Ёдингдами, ўртоқ».
17.30 «Менинг тақдирим». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
18.40 Машҳур совет ижрочилари — Ленин мукофотининг лауреатлари. И. Архипова куйлайди.
19.30 «Инсон — замин соҳиби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Н. Паганини. Скрипка ва гитара ижроси учун сонаталар.
21.00 Спидвей бўйича жаҳон чемпионати.
21.30 «Время».
22.05 «Цирк». Бадиий фильм.
23.35 «Майсиго» лўлилар музикаси ансамбли ижро этади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Телевизион миниатюралар театри.
11.10 Мактаб ўқувчиларининг XVII Бутуниттифоқ спартакиадаси. Спорт гимнастикаси. Кўп кураш. Қизлар. «Юбилейный» Марказий спорт залидан ёзиб олинган репортаж.
11.45 «Болажон қиз». Бадиий фильм.
13.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
14.05 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Қўғирчоқ фильм.
18.15 «Бугун — Ўрмон ходимлари куни».
18.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Фақат катталар учун». Мультфильмлар программаси.
20.30 «Ахборот».
20.50 А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институти студентларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи —ақлнинг кўзи».
23.05 «Ўзбекистоннинг яркирама тошлари». Телефильм.
23.15 Кўрсатувлар программаси.

● ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00—15.00 МТ II
15.00 Кўрсатувлар программаси.
15.05 «Затон ёзинининг тонги», «Пост». Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида телефильмлар.
15.45 «Ибн Сино». Бадиий фильм.
17.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Б. Васильев. «Рўйхатларда йўқ». М. Ризқулов номидаги Норин область музикали драма театрининг спектакли.
18.40 «Инсон ва табиат».
19.10 Ўрмон ходимлари кунига бағишланган концерт.
19.50 Ўш кўрсатади.
20.30 Миллий спорт турлари бўйича XI республика спартакиадаси.
21.30 МТ II

ТОШКЕНТ ТОПОГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

1984-85 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИК-ТОПОГРАФ, ТЕХНИК-АЭРОФОТОГРАММЕТРИСТ, ТЕХНИК-КАРТОГРАФ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йилу 6 ой, ўрта маълумотлилар учун эса 2 йилу 6 ой.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади. Аълочи ўқувчиларга 25 процент қўшимча берилади.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Миллий мактабларни битирганлар учун группалар комплектлангунча рус тили бўйича машғулотлар ўтказилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси (086/У форма), 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлайдиганлар учун).

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНИДАН КЕЙИН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8-синф ҳажмида маълумотли абитурентлар **математика** (оғзаки) ва **диктант**; ўрта маълумотлилар **математика** (оғзаки) ва **иншо** (миллий мактабларни тугатганлар учун диктант) ёзадилар.

8 ЁКИ 10 СИНФНИ «4» ВА «5» БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ҲАММА ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ТЕХНИКУМГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР 15 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Техникум адреси: 700125, Тошкент шаҳри, 125-алоқа бўлими, М. Горький проспекти, 82-уй (6, 13, 22-трамвайлар, 18-троллейбус, 1, 17 «э» автобусларнинг «Маданият институти» бекати). Телефон 62-57-82.

«ЎЗБЕКҚОНЦЕРТ»

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

11, 12, 13, 14, 15, 16 СЕНТЯБРЬ СОАТ 20.00 ДА

СССР ХАЛҚ АРТИСТЛАРИ

ЖУРАБЕК МУРОДОВ ВА МАЛИКА ҚАЛАНДАРОВА,

ТОЖИКИСТОН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ

КОНЦЕРТЛАРИ

Билетлар соат 15.00 дан бошлаб сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

8 СЕНТЯБРДА

НАРХИ АРЗОНЛАШТИРИЛГАН ТОВАРЛАРНИ СОТИШ БЎЙИЧА

ДОИМИЙ ЯРМАРКА ОЧИЛАДИ

ЯРМАРКА НАВОИЙ КЎЧАСИДАГИ САВДО РАСТАЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН.

Иш соатлари: соат 10.00 дан 17.00 гача, танаффуссиз.
Дам олиш куни — душанба.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-68-83).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/IX да **Мангулик**, 9/IX да **Гўзал Василиса.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/IX да **Кузнинг биринчи куни**, 9/IX да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/IX да **Узилган торлар**, 9/IX да **Ватан ишқи.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 9/IX да **«ИНТЕРЦИРК-84» чет эл цирк артистларининг сўнгги ҳайрлашув томошалари** (19.30).

КИНО

8 СЕНТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МУЮЛИШДАГИ МАЛЛАСОЧ ХОНИМ» — **Фестиваль** (21.20, телефон 32-78-02), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 52-65-87), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«МИНГ МИЛЛИАРД ДОЛЛАР» — **Санъат саройи** (18.30, 20.45, телефон 44-21-74).

«ДЎЗАХДАН ҚОЧГАНЛАР» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Хива** (21.40, телефон 32-78-02).

«ҚУМ СОАТ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ҚИЗИЛ КАЛИНА» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

9, 10 СЕНТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МУЮЛИШДАГИ МАЛЛАСОЧ ХОНИМ» — **Фестиваль** (21.20, телефон 32-78-02), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 52-65-87), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«МИНГ МИЛЛИАРД ДОЛЛАР» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, телефон 44-21-74).

«ДЎЗАХДАН ҚОЧГАНЛАР» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Хива** (21.40, телефон 32-78-02).

«ҚУМ СОАТ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ҚИЗИЛ КАЛИНА» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

«Центразэнергоремонт» корхонаси коллективи касаба союз комитети раиси Р. А. Комиловага онаси

Фароғат ШОКОМОЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, партия комитети, жамоат ташкилотлари ва физика факультети коллективи шу факультет доценти С. А. Азизовга онаси

Фароғат ШОКОМОЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қиладилар.

«Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ саноат бирлашмаси коллективи катта инженер М. И. Қурбоновга онаси

Турсунат ҚУРБОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

8 СЕНТЯБРЬ, 1984 й. Р—12443. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12